


## ШЕЪРИЯТИМИЗ ҚУЁШИ




● ЎЗБЕК рассомлари улуғ шоир ва мутафаккир тўйига муносиб тўёна тайёрлашмоқда. Суратда: Н. Ҳакимов яратган «Алишер Навоий» портрети.

Сураткаш В. ТЎРАЕВ.

# ЯНГИ КЎПРИК

НАЗАРБЕК канали устидан яна бир кўприк қурилиши жадал олиб борилмоқда. Калинин ноҳиясида «Ўзбекистон ССЖ 50 йиллиги» шўро хўжалиги билан Тошкент ноҳиясининг «Ленинград» шўро хўжалигини боғловчи бу кўприк транспорт ҳаракатини анча кенгайтириш ва тезлаштириш имконини беради.

Темир-бетон конструкцияларидан барпо этилаётган иншоотнинг узунлиги 60 метрдан ошиқ бўлиб, кенглиги йигирма метр атрофидадир. Унинг устидан бир йўла уч қатор транспорт қатнаши мумкин.

Вилоят йўл қурилиши-фойдаланиш бошқармаси кўприксозлари уни барвақт фойдаланишга топширишга астойдил ҳаракат қилишяпти. Уста Алишер Тўлаганов раҳбарлик қилаётган жамоа бунёдкорлик ишларини бажаришда вақтдан олдинда боришяпти.

# УЙ ҚУРИШЯПТИ

ЭЛЛИК биринчи бошқарма жамоаси жумҳуриятимиз пойтахтидаги 12-қурилиш трестининг етакчи бўлинмаларидан ҳисобланади. Бошқарма бинокорлари Тошкентда кўпдан-кўп турар-жойларнинг барпо этилишида қатнашдилар. Улар ҳозир ҳам қатор кўпқаватли уйлар қурилишида иштирок этишяпти.

Жумладан, Киров ноҳиясида тўққиз қаватли яна бир уйни тезкорлик билан қурмоқдалар. Ҳар ойда белгиланганига нисбатан 10—15 минг сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишяпти. Бунда тажрибали, моҳир бунёдкорлар пайвандчи Турғун Мўминов, дурадгор Маҳмуд Худойбердиев, монтажчилардан Абдулла Қодиров, Ирисбой Туропов, Иброҳим Зунуровларнинг ҳиссаси катта. Улар ҳар сменада топшириқни анча ошириб адо этишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

# ХАРАЖАТЛАР ҚОПЛАНАДИ

**Бир мингдан ортиқ киши савдо корхоналаридаги оғир жисмоний ишдан озод қилинди. Қўл меҳнати устун бўлган жойларда замонавий савдо жиҳозлари, юк кўтарадиган механизмлар ўрнатилди. Тармоқ касаба уюшмаси, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналари 30 миллион сўмлик моддий ёрдам берди. Ана шу пул ҳисобидан 77 та меҳнатни муҳофаза қилиш кабинети ташкил этилди ва жиҳозланди, 10 минг киши учун кийимхоналар қурилди, бир ярим мингта душхона ва аёлларнинг шахсий гигиена кабинети барпо этилди.**

**Бу харажатлар бекор кетмади — одамларнинг касалликка чалиниши камайди, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотишдан келадиган зарар деярли учдан бир баравар камайди.**

(ЎзТАГ мухбири).

# ОИЛАЛАР УЧУН ҲАМШИРАЛАР

ВИЛОЯТ болалар фонди ташаббуси билан Бўка ноҳиясида кўп болали оилалар учун уй ҳамширалари тайёрлаш бўйича икки ойлик курс очилган эди. Асосан 9—10—11 синф ўқувчи-қизларидан иборат бу курсни 42 нафар талаба битирди. Яқинда уларга гувоҳномалар топширилди.

— Бу курсни очишдан мақсад, — дейди вилоят болалар фонди бўлими мудири Мунира Салихова, — боласи кўп хонадонларга имкони борича тиббий хизмат кўрсатишни енгиллатиш эди. Мақсадга эришилди. Ўқувчилар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, укол қилиш, дастлабки муолажалар олиб боришга ўргандилар.

Битирувчилар курсига ноҳия марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари Насиба Йўлдошева бош-қош бўлди.

Кўрсатилган ғамхўрлик учун Бўка ноҳия ва шаҳар ижроия қўмиталари раҳбарлари вилоят болалар фондига миннатдорчилик билдирдилар.

Д. ИЗАТИЛЛАЕВА.




# ЖОНИВОРЛАР СОАТИ

**Жониворлар вақт-соатга амал қиладиларми! Бу саволга улар вақтни туппа-тузук аниқлай оладилар, дея жавоб бериш мумкин. Жонзотлар одамлар сингари қуёш чиқиши ва ботишига ҳамда юлдузларга қараб вақтни аниқлай олишар экан. Қуйида ҳайвонлар «соати»га доир айрим тажриба ва воқеалар билан танишасиз.**

**Инглиз ҳайвоншунос олими Вильям Бич Калифорния бўйлаб саёҳат қилиб юрганида бир фермерникида тўхтайди. Фермернинг юздан ортиқ эшаги бўлиб, улар ҳар куни бир вақтда — роппа-роса соат 12 да ишни тўхтатар, 18 да эса яна ишга киришиб кетарди.**

* * *

**Г. Экштейн деган олим мушукларнинг хатти-ҳаракатини мунтазам кузатиб бориб, уларнинг вақт-соатни жуда яхши ҳис этишига тўла ишонч ҳосил қилди. Вилли деган мушук тунги сайрдан кейин эрталаб соат 8 дан 10 минут ўтганда, ҳатто бир дақиқа ҳам кечикмай, уйга қайтиб келаркан. Ҳар душанба куни бу мушук соат 19 дан роппа-роса 45 минут ўтганда эгасининг уйи яқинидаги касалхона томонидан келиб, докторларнинг «бинго» деган ўйинини томоша қилар экан. У бирор марта ҳам на кунига, на соатига янглишган.**


# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

## «ФАРҒОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**
Ўзбекистон Ленин комсомоли совриндори, «КАМОЛОТ—89» кўригининг ғолиби
Охунжон МАДАЛИЕВ
ва хушовоз хонанда
Қиличбек ТОЖИЕВ
раққосалар: Гулмира ШИРИНОВА ВА Раъно ЗОКИРОВА.
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

---

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
**М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади

16, 24, 25, 26, 27 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА
АЛИШЕР НАВОИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

## ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ КУЙЛАЙДИ

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

---

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА,
1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 ва 19.30 ДА

## «ҲАЗИЛ-3»

## ЯНГИ ПРОГРАММА ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Мирза Холмедов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Собит Асомов, Тўхтамурод Азизов ва бошқалар.
САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.
Чипталар соат 11.00 дан сотилади.
Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## «СИГНАЛ» ШИРКАТИ

**Пойтахтдаги Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи, Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи, Тошкент политехника олий билимгоҳи, Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳи, Тошкент тиббиёт педиатрия олий билимгоҳи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи каби эътиборли олий ўқув даргоҳларига ўқишга киришга тайёрлаш мақсадида абитуриентларга қулайлик яратиб, икки-учта танловли имтиҳон дастурлари бўйича**

**ЯКШАНБАЛИК ТАЙЁРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ**

**Тайёрлов дарслари якшанба кунлари, кундузги пайтларда ўтказилади. Бу эса Тошкент шаҳрида ва айниқса Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентлар учун сўзсиз, катта қулайликдир.**

Машғулотлар асосан ихтисослаштирилган тарзда ва кичик-кичик гуруҳлар тартибида ўтказилади.

Машғулотларни деярли ҳамма ҳолларда Тошкентдаги олий билимгоҳларнинг абитуриентларини олий ўқув юртларига тайёрлашда бой тажрибага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилари: фан номзодлари, доцентлар олиб боришади.

«Сигнал» ширкати тайёргарликнинг сўнгги «натижаси» учун моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади, яъни ўқув жараёни даврида, ўқитувчиларимиз ўз абитуриентларига танловли кириш имтиҳонларида асосан «яхши» ва «аъло» баҳоларни олишлари учун мақсадга мувофиқ равишда махсус асосий ва ихтисослаштирилган билимларни сингдириб, шунингдек, тегишли зарурий малака ва кўникмаларни ҳам шакллантириб борадилар.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай пишиқ билимлар тўпламини ўзида тўлиқ ўзлаштириб олишга улгурган ҳар бир абитуриент пировард натижада ўзи хоҳлаган олий ўқув юртига кириб кетиши табиийдир.

Абитуриентларнинг бутун ижодий фаолиятларини бошқариб бориш, уларга заруратга қараб вақти-вақти билан йўл-йўриқ кўрсатиш, тавсия ва кўрсатмаларни бериб боришдек муҳим вазифани ҳам ширкат ўз бўйнига олади.

**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Қабул шартлари билан батафсилроқ танишиш учун қуйидаги манзилларда жойлашган абитуриентларни қабул қилиш ва тайёрлаш пунктларига мурожаат этишингиз мумкин:**

1-ҚАБУЛ ПУНКТИ: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 105-уй, 1-қават. Тошкент совет савдоси техникумининг ўқув биносида жойлашган (7, 24, 28-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати, «Самарқанд» автостанциясидан бир бекат берида).

Қабул вақти: ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача.
Дам олиш куни: якшанба.

2-ҚАБУЛ ПУНКТИ: Келес шаҳри (Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси), Октябрь номли 11-ўрта мактаб биносида жойлашган. Бориш йўли: Охунбобоев номли ўйингоҳ ёнида жойлашган.

Қабул вақти: ҳар куни соат 10 дан 19 гача.
Дам олиш куни: душанба.


... ЖУМАН ака кенжа ўғли Фазлиддинга бошқача меҳр қўйган эди. Ўзи ҳам тили ширин, одобли, дадаси бирор топшириқ берса «Хўп бўлади, адажон», деб турарди. Армияга кетгунча янги уйнинг қора сувоғини ўзи қилди, сомонли лойни ҳалимдек юмшатиб, андава билан кифтини келтирди.

Бир куни Жуман ака лой кийимларини алмаштириб, чой ичгани ўтирган ўғлига:

— Фазлиддинжон, ўзингни уринтираверма, — деди. — Худо ҳоҳласа, келгунингча ўзимиз устини ёпиб, оқлаб-кўклаб қўярмиз...

Фазлиддин янги уй томон негадир хомуш тикилиб турди-да, дадасига юзланди:

— Йўқ, адажон. Ўзингизни асло уринтирманг. Армиядан келиб, чаласини ўзим битираман...

Кўп ўтмай чақириқ муддати келди. Жуман ака сочлари олиниб, қандайдир кўркамлашган, эндигина сабза ураётган мўйловлари ўзига ярашган ўғлига юраги орзиқиб тикилиб қолди. Сўнг маҳкам бағрига босди. Кўзларига ёш қуйилди. Кумуш опа эса ўғлининг елкасига бош қўйиб, йиғлаб юборди. Фазлиддиннинг кўзларида ҳам ёш қалқиб турарди. Йигит эмасми, ота-онасига, ака-опаларига кулиб қаради:

— Урушга кетаётганим йўқ-ку, нега йиғлайсизлар?

Поезд ўрнидан жилди. Ҳаммаёқни қий-чув босди. Одамлар қўлларини силкиб югуришар, кўзлари ёшли отахонлар дуога очилган кафтларини юзларига суришарди.

Жуман ака уйга қайтаркан, юрагининг аллақаери ачишаётганини сезди, ҳаёли эса ўғли ортидан югуриб борарди...

Одатда биринчи хатни орзиқиб кутишади. Фазлиддиннинг дастлабки мактуби оилада қайта-қайта ўқилди. У ота-онасига, опалари Дилором, Лазокатга, акаларига, бийрон тилли жиянлари Доно, Дилафрўз, Муножотга қайта-қайта саломлар айтганди. Бироздан сўнг яна мактуб келди. «Меҳрибон адажоним, худога шукур, соғ-саломатман. Мўғулистонда хизмат қилаяпман. Мендан ҳеч ҳавотир олманглар...»

Ўша пайтда афғон ваҳимаси ҳамманинг юрагига ғулғула солганди. Умрида урушни кўрмаган бўш-баёв йигитларни жоҳил душманлар қўйдек бўғизлар, дайди ўқлар ер тишлатар, қўққисдан портлаган миналар тилкапора қиларди. Ғам-аламдан сочлари оқарган оналар совуқ темир тобутларни қучоқлаб, хунбийрон йиғлашарди. Афғонда бўлган йигитларнинг кўзларига бир қаранг: бу кўзларда сўнгсиз мунг, ҳадик-хавотир яшириниб ётибди, улар бусиз ҳам қанчадан-қанча ногиронларимиз қаторига ўтишган. Мунгли қўшиқ эса юрак-бағримизни аямай тирмалайди:

Дўстлари келса-ю, келмаса болам...

Жуман ака ҳар сафар бу қўшиқни эшитганда титраб кетади, негадир хўнграб-хўнграб йиғлагиси келади. Кейин икки ёнига туфлаб, тавба қилади: «Эй, худо, ўзинг ўғлимни саломат сақлагайсан...»..

Фазлиддин кейинги хатларидан бирида шундай ёзибди:

«Меҳрибон адажоним, сизга бир илтимосим бор: янги уйни битираман, деб асло уринманг. Мени ўғлим, десангиз, бу ишга қўл урманг. Бизга сизнинг саломатлигингиз керак. Хизматим тамом бўлгач, ҳаммасини ўзим қиламан».

Фазлиддиннинг охирги мактубидан:

«Бизни бошқа қисмга юборишди. Соғ-саломатман. Тез-тез хат ёзолмасам, ҳавотир олманглар. Иш жуда кўп...».

Бу мактуб негадир қинғир-қийшиқ ҳарфларда ёзилган, ўғлининг дастхатига ўхшамасди.

Маҳаллада бирор йигит армиядан келса, ҳамма кириб, ота-онасини табриклаш одатга айланган. Жуман ака афғондан соғ-саломат қайтган ўғлининг дўсти Володя билан қучоқлашиб кўришар экан, «Азамат йигит бўлиб қолибсан-ку», дея ҳазиллашди, Мўғилистонда хизмат қилаётган ўғли ҳам тез орада келиб қолишини айтди.

Володя Жуман акага ажабланиб қаради:

— Фазлиддин Афғонистонда-ку, бирга хизмат қилдик. Ҳозир машина ҳайдаяпти...

Жуман аканинг юраги товонига тушиб кетгандек бўлди, ранги оқарди, унинг гапига ишонқирамай ўрнидан турди. Лекин, афғонда хизмат қилган маҳалла йигитларидан бири ҳам шу гапни тасдиқлагандан кейин бир жойда туролмай қолди. Ҳаёлида жонсиз ўғлини дарвозадан олиб киришаётгандек туюлаверди. «Ноумид шайтон, — дерди яна ўзига-ўзи. — Йигитлар афғондан соғ-саломат келишаяпти-ку. Ажаб эмас, ўғлим билан дийдор кўришсак...».

Орадан ойлар ўтди. Кунлардан бир кун унга қисқагина ёзилган мактубни ташлаб кетишди. «Ўғлингиз Тошкент ҳарбий госпиталида даволаняпти. Тез етиб келинг». Жуман ака юрагини чангаллаб, ёстиққа ёнбошлади, Кумуш опа яккаш: «Ўғлим, Фазлиддинжоним», дерди. Иккаласининг ҳам хуши бошларидан учганди шу топда.




• ОҚИБАТ •

Жуман ака 25 йил участка милиционери бўлиб ишлаган, баланд бўйли, бақувват одам. Бироқ, ғам-ташвиш бунга қарамайди, илашдими, бас, тез йиқитади, юрак маромини бузади, ҳаловатни ўғирлайди. Жуман аканинг руль тутган қўллари дир-дир титрар, боши ари инидек ғувулларди. Госпиталга яқинлашганда кўз олдини оппоқ туман босди. Машинани тўхтатди. Энди машина ҳайдай олмаслигини сезди. «Такси»га қўл кўтарди...

Фазлиддиннинг фақат сурати қолибди. Ичичига тушиб кетган кўзларида мунг, илтижо сезилади. Жуман ака ўкраб юборди. Ўғлининг бир тутам жуссасини маҳкам бағрига босди. Кумуш опа эса ўғлининг қоқ суяк елкаларини силаб, нуқул: «Оҳ, болагинам-а, шу аҳволга тушдингми?» дер, хуши оғиб қолгандек туюларди.

— Нега ундай қилдинг, ўғлим, — ҳиққиллаганча деди шўрлик ота, — нега тўғрисини ёзмадинг?

— Сизларни безовта қилмай дедим-да, адажон. Яна касал бўлиб қолсаларингиз...

— Сени шу аҳволда кўргандан ўлганим яхши эди, ўғлим...

У ўғлининг орқасига ёстиқ суяди. Қуруқ суяк одамнинг кулиши ҳам ғалати бўларкан. Фазлиддин отасига далда бериш учун кулмоқчи бўлди. Лекин, унинг бу уриниши кулишдан кўра йиғламсирашга ўхшарди.

Маълум бўлишича, Фазлиддин афғонда машина ҳайдаган. Кунлардан бир кун дайди ўқ сонига тегиб, бутун вужудини заҳарлаган. Госпиталда 8 ой осмонга қараб ётган. Қарангки, шу аҳволда ҳам, ота-онасига билдирмаган, уларни аяган.

— Ўғлимни уйимга олиб кетаман, — деди у бош врачга. — Нима бўлса пешонамдан кўрдим.

Рухсат беришмади. Орадан бироз ўтгач, Жуман ака қудаси Ғулом Ашрапов билан яна ўғлининг олдига келди. Бутунлай холдан тойган Фазлиддин ўзича сурилиб, қуда бувасига жой бўшатмоқчи бўларди. Улар кўз қарашлари билан сўзсиз саломлашдилар.

— Фазлиддинжон, ўғлим, бундоқ гапиргин? — юрак-бағри эзилиб, адою тамом бўлган Жуман ака ўғлининг муштумдек бўлиб қолган бошини силади. Фазлиддин кўзларини аранг очиб, пичирлади:

— Адажон, гаплашгим келаяптию, кўзларим юмилиб кетаяпти...

Шу пайт ҳамшира кирди.

— Отахон, ўғлингизни толиқтирманг.

— Фазлиддин, биз кетдик. Худо ҳоҳласа, тузалиб қоласан...

Фазлиддиннинг кўзлари бирдан катта очилди. Отасига сўзсиз узоқ тикилди, қуруқшаган лаблари қимирлади:

— Ойимларга, уйдагиларга салом айтинг...

Жуман акалар ҳали Чирчиқ йўлига тушмасдан Фазлиддин жон берди. Унинг азобланган, жабрдийда руҳи отаси ортидан эргашди...

... ЖУМАН ака титроқ қўллари билан ўғлининг ёзган хатларини, мактабни битириш арафасида тушган суратларини, фахрий ёрлиқларини кўрсатди.

— Фазлиддинжон мени бутунлай довдиратиб кетди, — деди у кўз ёшларини артиб. — Уйи ўзи суваган холича турибди...

У Фазлиддиннинг уйига бошлади. Ўртада қотиб қолган оҳак. Сомон сувоқларда панжа излари шундоққина кўриниб турибди. Жуман ака ана шу изларга юзларини босиб, хўнграб йиғлаб юборди. Узоқ йиғлади. Кап-катта киши йиғласа ғалати бўларкан. Уни аранг юпатдик...

Бу уй узоқ вақтгача сирти оқланмасдан, усти ёпилмасдан турди. Ўғли изларини йўқотишга отанинг юраги дош бермасди. Лекин, маърака-маросимларга келган маҳалла оқсоқоллари:

— Жуманбой, уйнинг бу аҳволда туриши яхши эмас, — дейишди. — Тақдири азалдан қочиб кетолмайсан. Ношукурлик қилма, худога шукур, ўғилларинг, қизларинг, невараларинг бор...

У қўни-қўшнилардан шифер, тахта қарзга олиб, уйни битирди. Сиртини оқлади. Лекин, ичига қўл теккизмади. Чунки, унда Фазлиддиннинг қўл излари бор эди...

— Қарзга олган шифер, тахталарни қайтаришим керак. Лекин, Чирчиқ шаҳар ёғоч савдоси базаси директори Ҳайдар Салимов мени ҳалигача овора қилади.

Эҳтимол, базада шифер ёки алгорит йўқдир, дерсиз? Ҳамма нарса бор. Фақат одамларимизда меҳр-оқибат йўқ, халос.

Бундан ташқари, Жуман аканинг телефони симлари аллақачон яроқсиз ҳолга келган. Гаплашса гаплари бошқаларга эшитилиб туради. Ўғли Фахриддин Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмасида ишлайди. Милиция капитани. Қоида бўйича бундай хизматдаги кишиларнинг телефонлари бошқаларнинг телефонлари билан туташтирилиши мумкин эмас. Лекин, бу оддий ҳақиқатни Чирчиқ шаҳар алоқа бўлимининг бошлиғи Ҳамид Мадаминов тушинмайди.

Жуман ака 300 сўмга яқин нафақа олади. Ҳеч нарсага зориқмайди. Ўғиллари, қизлари хизматида. Лекин, тинч ўтиришни ўзига эп билмайди. Унинг ана шу куйди-пишдилигини билган одамлар маҳалла қўмитаси раислигига сайлашди. Жуман ака ташаббуси билан эски поликлиниканинг бўшаб ётган биноси маҳалла қўмитасига берилди. Келгусида бу ерда миллий таомлар ошхонаси очиш, миллий анъаналаримизни тиклаш ҳаракатида юрибди.

Жуман ака бизни шаҳар бозори чойхонасига бошлади. Ичкаридаги бир қатор ўрнатилган энсиз сўрида беш-олти отахон чойхўрлик қилиб ўтиришарди.

— Абулқосим ака, мана, илтимосингизга биноан «Тошкент ҳақиқати»дан мухбир келди.

Абулқосим ота биз билан илиқ сўрашди.

— Раҳмат, ўғлим, — деди у. — Энди биздан сўрасангиз, ёлғизман. Бўғма касалим бор. Кечалари тутиб қолади. Телефон тушириб беринглар, деб Мадаминовга борган эдим, қулоқ солмади.

Жуман ака бизга ёзган хатида шундай дейди: «Мен қарияга раҳмим келиб, уни етаклаб Х. Мадаминовга олиб борган эдим. Отахон икки букилиб, аризасини Х. Мадаминовга узатди. Бироқ бошлиқ қалтираб турган отахон қўлидан аризани олмади ҳам. «Мен, — деди у. — ҳар кимнинг аризасини олаверсам, бошқа ишларни йиғиштириб қўйишим керак. 9-микрорайонга боринг. Дардингизни ўшаларга айтинг».

Жуман аканинг фикрича, Х. Мадаминов отахоннинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, аризага қулоқ солиши, ётиғи билан тушинтириши лозим эди. Биз ҳам шу фикрдамиз. Абулқосим ота ёлғиз яшайди. Бўғма касали тутганда, эмаклаб келиб, қўшниси, невараси билан яшайдиган рус кампирининг деворини мушти билан уради. Онахон кўникиб қолган шекилли, зудлик билан «Тез ёрдам»га сим қоқади. Лекин, у баъзида уйида бўлмаслиги мумкин.

Биз ўша куни Х. Мадаминов билан суҳбатлаша олмадик. Бироқ, имонимиз комилки, у ниҳоятда тошмеҳр одам бўлмаса керак. Жуман аканинг телефони симларини янгилашга, Абулқосим отага телефон туширишга топшириқ беришига ишонамиз. Шунингдек, Чирчиқ шаҳар ижроия қўмитасидаги масъул кишиларнинг Жуман акага ўғлидан қолган ёдгорлик уйни тиклаш борасида ёрдам қўлларини чўзишларига ҳам ишонгимиз келади...

Чирчиқ шаҳар, Фазлиддин Сариев кўчаси, 44-уй. Бу ерда собиқ участка милиционери, ўғли Афғонистонда ҳалок бўлган Жуман ака ва Кумуш опалар яшайдилар. Жуман ака нафақасини олиб, тинчгина уйда ўтириши мумкин эди. Лекин, у буни ўзига эп кўрмайди. Одамлар ташвишида ҳамиша куйманиб юришни, миллий анъаналаримизни тиклаб, ўзидан яхши ном қолдиришни афзал билади.

Назаримизда Жуман ака шу билан фарзанд доғини ёдидан чиқармоқчига, куйган юрагини совутмоқчига ўхшайди.

Орамизда шундай одамлар бўлгани яхши.

Эсон ҚОСИМОВ.

Муҳаррир ўринбосари Р. УМАРОВ.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Буюртма — 4729. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12